


## Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти<sup>1</sup> 2026 йил январь-март ойлари учун<sup>2</sup>

- I. Ялпи ички маҳсулот динамикаси
- II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи ички маҳсулот
- III. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот динамикаси
- IV. Ахборот-коммуникация технологиялари хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши
- V. Кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган ялпи қўшилган қиймат
- VI. Ўзбекистон Республикаси бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт
- VII. Изоҳлар
- VIII. Ҳаволалар

### I. Ялпи ички маҳсулот динамикаси

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **447,9** трлн сўмни ҳамда 2025 йилнинг мос даври билан таққослаганда реал ўсиш суръати **8,7 %** ни ташкил этди.

#### ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари<sup>3</sup>, январь-март



Мавзуга доир ҳавола:

[ЯИМ \(ЯХМ\) ҳажми \(чораклик\)](#)

[ЯИМ \(ЯХМ\) ўсиш суръатлари \(чораклик\)](#)

<sup>1</sup> Маълумотлар кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.


<sup>2</sup> Дастлабки маълумотлар

<sup>3</sup> 2025 йилнинг январь-март ойлари маълумотлари қайта баҳоланган.

ЯИМ дефлятор индекси 2025 йилнинг январь-март ойларидаги нархларга нисбатан **110,6 %** ни ташкил этди. ЯИМ дефлятор индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – **115,8 %** ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – **113,2 %** ни ташкил этди.

Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда – **104,7 %**, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада – **104,8 %**, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – **106,0 %** ҳамда бошқа хизмат тармоқларида – **107,4 %** ни ташкил этди.

### 2026 йилнинг январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекслари



Мавзуга доир ҳавола:

[ЯИМ дефлятор индекси \(чораклик\)](#)


## II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи ички маҳсулот

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМни ишлаб чиқариш қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар билан ифодаланади:

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръатлари, % да	ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, ф.п. да
	2025 йил январь-март	2026 йил январь-март		
ЯИМ – жами	372 829,9	447 935,3	108,7	х
<i>шу жумладан:</i>				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	359 054,2	427 506,8	108,7	8,4
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	30 398,1	36 182,4	105,1	0,4
саноат	99 801,4	124 852,4	108,0	2,2
қурилиш	21 919,4	26 393,0	115,0	0,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	52 456,4	64 229,7	115,5	2,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	33 715,7	40 447,7	114,4	1,3
бошқа хизмат тармоқлари	120 763,2	135 401,6	104,4	1,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	13 775,7	20 428,5	108,2	0,3

Иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг **95,4 %** ини ташкил этди ва **8,7 %** га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишидаги ҳиссаси **8,4** фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши **4,6 %** ни ташкил этди ва **8,2 %** даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлақ ўсишидаги ҳиссаси **0,3** ф.п.).

### ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби, январь-март



2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида саноатнинг улуши **27,8 %** дан **29,2 %** га ва қурилишнинг улуши **6,1 %** дан **6,2 %** га ошди. Шу билан бирга, хизматлар соҳасининг улуши **57,6 %** дан **56,2 %** га, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши **8,5 %** дан **8,4 %** га камайди.

2026 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида **5,1 %** даражасида ижобий ўсиш қайд этилди.

Ушбу тармоқдаги ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларнинг **5,1 %** га ва балиқчилик хўжалиги – **6,8 %** га ўсиши билан боғлиқ.

2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми **124 852,4** млрд сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даври билан таққослаганда **8,0** % га ўсиш кузатилди.


Ушбу тармоқдаги ижобий динамика, асосан ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг **9,1** % га ўсиши ҳисобига таъминланди.

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръатлари, % да
	2025 йил январь-март	2026 йил январь-март	
Саноат – жами	99 801,4	124 852,4	108,0
<i>шу жумладан:</i>			
тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи	11 911,6	13 015,7	104,1
ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат	80 839,2	102 584,2	109,1
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғи	6 439,6	8 433,7	103,1
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғи	611,0	818,8	108,5

2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, қурилиш тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми **26 393,0** млрд сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даври билан таққослаганда қурилиш ишлари ҳажми **15,0** % га ўсди.

Жумладан, бино ва иншоотлар қурилиши **16,3** % га, фуқаролик объектлари қурилиши **10,1** % га ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари **14,0** % га ўсган.

#### Қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби, январь-март




2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми **240 079,0** млрд сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **8,8 %** га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари **19,4 %** га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар **8,4 %** га, ташиш ва сақлаш хизматлари **12,3 %** га, ахборот ва алоқа хизматлари **18,3 %** га, бошқа хизматлар **4,4 %** га ўсди.

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръатлари, % да
	2025 йил январь-март	2026 йил январь-март	
Хизматлар соҳаси – жами	206 935,3	240 079,0	108,8
<i>шу жумладан:</i>			
савдо хизматлари	33 959,9	42 521,5	119,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18 496,5	21 708,2	108,4
ташиш ва сақлаш	21 931,6	25 470,8	112,3
ахборот ва алоқа	11 784,1	14 976,9	118,3
бошқа хизматлар	120 763,2	135 401,6	104,4

2026 йилнинг январь-март ойларида савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуши чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)га тўғри келди ва **45,6 %** ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)нинг улуши **33,8 %** ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлашнинг улуши **20,6 %** ни ташкил қилди.


#### Савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби, январь-март



2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, ташиш ва сақлаш тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМИдаги улуши **6,0 %** ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуши автомобиль транспортига тўғри келди ва **57,5 %** ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши **9,7 %**, темир йўл транспортининг улуши **8,6 %**, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши **16,2 %**, ҳаво транспортининг улуши **8,0 %** ни ташкил этди.


**Ташиш ва сақлаш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби, январь-март**



**III. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот динамикаси**

2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми **11 692,5** минг сўмни ҳамда 2025 йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати **6,7 %** ни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари, январь-март**




#### IV. Ахборот-коммуникация технологиялари хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

2026 йилнинг январь-март ойларида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши **3,2 %** ни ташкил этди.

АКТ хизматларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг **31,3** фоизи алоқа хизматлари, **50,1** фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, **10,9** фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, веб-порталлар, **4,8** фоизи дастурий таъминотни чиқариш, қолган **2,9** фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келган.



##### АКТ хизматларининг ялпи қўшилган қиймати, январь-март



#### V. Кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган ялпи қўшилган қиймат

Таркиби, жамига нисбатан

ЯИМда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши, ЯҚҚга нисбатан



2026 йилнинг январь-март ойлари якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан **194 762,0** млрд сўм миқдорига қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг **45,6 %** и яратилган. Шундан **17,6 %** и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, **14,0 %** и саноат, **10,4 %** и қурилиш тармоқлари ва **58,0 %** и хизматлар соҳасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида **94,6 %**, қурилишда **77,0 %**, хизматлар соҳасида **47,1 %** ва саноатда **21,8 %** ни ташкил этди.

## VI. Ўзбекистон Республикаси бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт

2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида кузатилмайдиган (уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда яширин) иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми **102 682,9** млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **22,9 %** ни ташкил этди (2025 йилнинг январь-мартда – **24,8 %**).

Шундан уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолиятининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми **69 128,6** млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **15,4 %** ни ташкил этди. Яширин иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми эса **33 554,3** млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **7,5 %** ни ташкил этди.



Мавзуга доир ҳавола:

[Кузатилмайдиган иқтисодиёт](#)

2026 йилнинг январь-март ойларида уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда яширин иқтисодиёт ҳажмининг тармоқлар бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги **81,1 %** ни, хизматлар соҳаси **24,5 %** ни, қурилиш **23,9 %** ни ва саноат **6,7 %** ни ташкил этган.

## VII. Изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ҳамда ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради.

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудининг барча резидент бирликларини иқтисодий фаолият турлари бўйича қамраб олади.

ЯИМни ишлаб чиқариш усулида тармоқлар кесимида баҳолаш учун иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2)дан фойдаланилади.

Аҳоли жон бошига ЯИМ муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ ҳажмини мамлакатнинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси иқтисодий нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Кузатилмайдиган иқтисодий – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки қисман қамраб олинмаган, шунингдек, статистика кўрсаткичларида акс эттиришда билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.

Уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолияти – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Яширин иқтисодий – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.

### **VIII. Ҳаволалар**

[Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Кузатилмайдиган иқтисодий статистик баҳолаш бўйича услубий низом](#)

[Ишлаб чиқариш усули бўйича ялпи ички маҳсулот](#)

